

ШАРҚ ЮЛДУЗИ

Адабий-бадиий, ижтимоий-сиёсий журнал

1931 йилдан чиқа бошлаган

ЖАМОАТЧИЛИК КЕНГАШИ

Бобур Алимов
Акрамжон Адизов
Эркин Воҳидов
Кенгесбай Каримов
Наим Каримов
Рустам Мирзаев
Тўра Мирзаев
Иқбол Мирзо
Минҳожиддин Мирзо
Ғулом Мирзо
Абдуваҳоб Нурматов
Баҳамдулло Нурабуллаев
Абдулла Орипов
Тўра Саидов
Сирожиддин Саййид
Йўлдош Солижонов
Хайриддин Султонов
Рустам Қосимов

Бош муҳаррир — Улуғбек Ҳамдам
Бош муҳаррир ўринбосари — Икром Отамурод
Масъул котиб — Зиёдбек Ўринов
Наср бўлими мудири — Орзиқул Эргаш

3
2012

www.ziyouz.com kutubxonasi

УШБУ СОНДА:

Шеърият

Усмон АЗИМ

Сўздан тақдир қурдим

Шеърлар



Сенинг билан барг очайин,
Сенинг билан гуллаб қолай.
Бу дунёдан қандай ўтиб
Кетганимни билмай қолай.

Наср

Ойдин НИСО

ҲАЁТ ДАРАХТИ

Қисса



Бу ғамхўрлигим учун тунда “раҳмат” эшитаман. Содда дарахтчам билмайдики, унинг борлиги – менинг бахтим! У менга яхшилик қилиш имконини берди. Ахир, дунёда кимгадир кераклигинг, яхшилик қилишинг мумкинлигини ҳис этиб яшашдан ортиқ бахт борми?!

Шеърият

Гўзал БЕГИМ

Ипак гулкосада ёвқур табассум

Шеърлар



ҳислар уюм
кўнглим уюм-уюм
қайрилиб қайрайди юраккуш йўлак
умримнинг энг иссиқ соҳилларида

Жаҳон ҳикоялари хазинасидан

Элке ҲАЙДЕНРАЙХ

ЭРИКА

Ҳикоя

...негадир уни “Эрика” деб атагим келди, миямга келган дастлабки фикр шу бўлди: Эрика. Қўғирчоқ чўчқача каттагина, оч пушти юнгли, тўқ пушти оёқлари, бир оз очилган оғзи, юмшоқ қулоқлари... ва тасаввур қилиб бўлмайдиган даражада ишонч тўла кўзларида сахийлик, қизиқувчанлик, айни чоғда бир оз қувлик балқиб турарди.

www.ziyouz.com kutubxonasi

Абдулла УЛУҒОВ,
филология фанлари номзоди



МАНГУ МЕЗОН

Ўтган йилда адабиётшунослик ва адабий танқидчилик диққат марказида янги асарлар эмас, аксарият мумтоз намуналар тургани роман жанри тўғрисидаги мақолаларда ҳам, жаҳон адабиётидаги янгича тамойиллар хусусидаги чиқишларда ҳам, миллий адабиётимиздаги янгича ўзгаришларга доир кузатишларда ҳам яққол сезилади. Айни ҳолат, бизнинг турмушимиз, тафаккур тарзимиз, дунёқарашимиз учун кўпроқ тарих ибрат, таянч бўлиб қолаётганини билдиради. Тараққиёт эса тарихга таянишни эмас, уни зинага айлантириб, янгиликка интилишни тақозо этади.

2011 йилда “Шарқ юлдузи” журнали “таҳририяти машаққатли ва мураккаб тадрижий йўлни босиб ўтган роман жанри атрофида илмий-назарий баҳс уюштиришни лозим топди”. Журнал саҳифаларида Умарали Норматов, Муҳаммаджон Холбеков, Дилмурод Қуронов, Исломжон Ёқубовнинг мақолалари эълон қилинди. Умарали Норматов, Исломжон Ёқубовнинг асосий эътибори ўзбек романига қаратилган бўлса, Муҳаммаджон Холбеков ва Дилмурод Қуронов бу жанрнинг Европа адабиётидаги ҳолати билан таништиради. Ушбу мақолаларни бир жиҳат – “роман – айни пайтда, адабиётдаги етакчи жанр” деган қараш бирлаштириб туради. Муҳаммаджон Холбековнинг “Етакчи жанрнинг тадрижий тамойиллари”, Дилмурод Қуроновнинг “Роман ҳақида айрим мулоҳазалар” мақолалари далил, қиёслашга асосланиши, хорижий адабиёт намояндалари ижоди билан таништириши, роман жанри тўғрисидаги илмий-назарий қарашларга танқидий муносабат билдирилиши билан эътиборни тортади. Умарали Норматов романларимизда миллатимизнинг тақдири акс эттирилганини таъкидлар экан, мулоҳазаларини “Ўткан кунлар” (Абдулла Қодирий)дан бошлаб, “Динозавр” (Шукур Холмирзаев), “Бозор” (Хуршид Дўстмуҳаммад), “Мувозанат” (Улуғбек Ҳамдам) романлари тўғрисида фикр билдириш билан тугаллайди. Яъни, мунаққид мунозара учун икки-уч эмас, тўқсон, йигирма, ўн беш йил аввал битилган асарларни мавзу қилиб олади. Исломжон Ёқубовнинг “Ўзбек романининг маънавий-руҳий асослари” мақоласида ҳам шу вақт оралиғидаги романларнинг турли жиҳатлари тўғрисида сўз юритилади.

2011 йилги адабиётшунослик ва адабий танқидчиликда ҳам аввалги даврда бўлгани каби Навоий ҳаёти ва ижоди хусусидаги тадқиқот ва мақолалар салмоқли ўрин тутади. Дилором Салоҳий “Дардингга Навоий ҳолин иштиҳод бил...” мақоласида шоирнинг “Ғаройиб ус-сиғар” девонидаги:

Эй кўнгул, ер-кўк асосин асру бебунёд бил,
Ул кесакни суда кўр, бу саҳфани барбод бил, – матлаъли ғазалини таҳлил қилар экан: “Жамиятнинг чуқур фикрловчи аъзолари – сўфийлар тарбиясига киришган шоир, аввало, ўз илми, ижоди ва пирлик фаолияти билан жамият поклиги ва барқарорлиги учун хизмат қилади. Ушбу ғазалида Навоий пир сифатида намоён бўлади”, деб таъкидлайди. (“Шарқ юлдузи” журнали, 2011 йил, 1 сон. 42-бет.)

Нажмиддин Комилов “Ишқ оташгоҳи” мақоласи (“Ўзбекистон адабиёти ва санъати” газетаси, 2011 йил, 4 февраль)да улуғ шоирнинг “Этмиш” радифли ғазали хусусида сўз юритса, Нусратулло Жумахўжанинг “Дебоча матни мукаммалми?” мақоласи

www.ziyouz.com kutubxonasi

(“Ўзбекистон адабиёти ва санъати” газетаси, 2011 йил, 11 март)да Навоийнинг биринчи расмий девони “Бадоеъ ул – бидоя” ва тўрт мустақил девондан таркиб топган “Хазойин ул – маоний”нинг биринчи девони “Ғаройиб ус – сиғар”да берилган дебочалар хусусида мулоҳаза билдирилиб, улуғ шоир асарлари нашрида йўл қўйилган нуқсонларга эътибор қаратилади. “Устоз ва истеъдод” мақоласи (“Ўзбекистон адабиёти ва санъати” газетаси, 2011 йил, 7 январь)да эса Нажмиддин Комилов “Хамса” муаллифи истеъдодларга ғамхўрлик бобида ҳам XXI аср учун ибрат намунаси эканлигини мисоллар асосида исботлайди. Ҳасан Қудратуллаевнинг “Ҳеч ким Навоийчалик жавоб ёзолмаган” мақоласи (“Ўзбекистон адабиёти ва санъати” газетаси, 2011 йил, 11февраль)да “Бобурнома” ва “Тарихи Рашидий”да Навоий сиймоси қандай ёритилганини қиёслайди.

Бойбўта Дўстқораевнинг “Алпомиш” матнининг жилолари” (“Ўзбекистон адабиёти ва санъати” газетаси, 2011 йил, 1 январь) ва “Буюк мутафаккир” (“Ўзбекистон адабиёти ва санъати” газетаси, 2011 йил, 4 февраль) мақолалари ҳам киши ёши улғайган сари янги асарлардан кўра мумтоз асарлардан завқланишини кўрсатади. Муаллиф ушбу мақолаларида адабиётнинг асл асарларида ҳар бир сўз, атама қат-қат маънони мужассамлаштиргани, улар замонлар ўтган сари сир, жумбоқ бўлиб бориши, уларни англаш, моҳиятини излаш эса тафаккурни чархлашини намоён этади.

Улуғ сиймоларнинг ҳаёт йўли, улар қолдирган моддий-маънавий мерос авлодлар учун ҳамиша бебаҳо ибрат намунаси, айни чоғда, турли баҳс-мунозаралар манбаи бўлиб қолади. Машраб ҳаёти ва ижоди тўғрисида давом этиб келаётган тортишувлар ҳам бунга мисол бўла олади. Ўтган йили ҳам бу хусусида мунозара кечди. Бу туркумдаги мақолалар орасида, таъкидлаш жоизки, Абдусаттор Жуманазарнинг чиқишлари мантиқий мулоҳазага асосланиши, далилларининг аниқлиги билан ажралиб туради. Абдусаттор Жуманазар мумтоз адабиётимиз тўғрисидаги мулоҳазаларини баён этганда мавҳум, умумий гаплар билан аравани олиб қочмайди, ҳавойи даъволарга берилмайди. Жумладан, “Муқаддима – асарнинг бош сўзи” мақоласи (“Ўзбекистон адабиёти ва санъати” газетаси, 2011 йил, 25 февраль)да : “Ж.Юсупов домла ишларида муттасил таяниб келаётган “Тазкираи қаландарон” манбасидан фойдаланмоқчи эдик, у йўқ нарса бўлиб чиқди. Ундан ташқари, Бобораҳим Машрабнинг туғилган йили деб илмга киритилган машҳур 1653 санаси ҳам янглиш ҳисоб экан. Тадқиқотлардан Машрабнинг илк устози Бозор охунд ҳақида маълумот қидиргандик. Охири бир пайтлар Н.С.Ликошин адашиб юрган йўлда бир асрдан зиёдроқ саргардон бўлганимиз очилиб қолди”, дейилади.

Бахтиёр Назаров “Йигирма ёшдаги шоирларимиз” мақоласи (“Шарқ юлдузи” журнали, 2011 йил, 5 сон)да мустақиллигимизга тенгдош шоирларнинг шеърларини Фитрат, Миртемир, Рауф Парфининг йигирма ёшда битган шеърларига қиёслашга киришади ва навқирон ижодкорларнинг дастлабки тўпламлари, туркум шеърлари таҳлили асосида “диди теран, ўзига хос маҳоратга эга ҳақиқий шоир деган мақомга муносиб равишда шаклланиб келаётган янги кучларимиз бор, деб дадил айта оламиз”, деган қарашни ўртага ташлайди. У ёш шоирлар шеърларидан оҳорли образлар, тиниқ ташбеҳлар, теран фикрлар топади. Бу эса, табиийки, изланаётган ижодкор кўнглида умид уйғотиб, уни интилишга ундайди. Нўъмон Раҳимжонов ҳам “Адабиётшуносликнинг янги босқичи” мақоласи (“Шарқ юлдузи” журнали, 2011 йил, 5 сон)да ижодкор ҳамиша рағбатга эҳтиёжманд эканидан келиб чиқиб, адабиётшунос ва мунаққидлар китобларига баҳо беради ва истиқлол даврида адабиётшунослигимизда намоён бўлган бир қатор ўзгаришларни қайд этади. Жумладан, “адабиётшуносликда бадиий асарларни ғоявий-тематик таҳлил қилишга буткул чек қўйилди, адабиёт илмининг бошқа фанлар билан алоқаси кенгайди, ўзбек адабиёти намуналарини жаҳон адабиётидаги мумтоз асарлар билан қиёслаб таҳлил этишга киришилди” деб, истиқлол даври ўзбек адабиётшунослигига хос қатор хусусиятларни кўрсатади. Умумхарактеридаги ушбу мақола мустақиллик йилларидаги ўзбек адабиётшунослиги тўғрисида кенг тасаввур уйғотиши билан эътиборни тортади. Нўъмон Раҳимжонов ҳам бошқа адабиётшунос, мунаққидлар сингари истиқлол даврида яратилган тадқиқотларни адабиётшуносликка оид аввалги китоблар билан таққослайди. Иброҳим Ғафуровнинг “Ўзгараётган дунёда шеър сўзи” мақоласи (“Шарқ юлдузи” журнали, 2011 йил, 5 сон) ҳам умумхарактерда

www.ziyouz.com kutubxonasi

бўлиб, унда муаллиф 2010 йил шеърияти тўғрисида фикр билдиради. Ушбу мақоладаги мулоҳазалар шеър, унинг қадри, аҳамияти тўғрисидаги тасаввурни янада ойдинлаштиради. Мунаққид замонавий шеъриятимиздаги ўзгаришлар аввалги шеърият билан узвий боғлиқ эканини теран кузатишлар асосида кўрсатади. Иброҳим Ғафуров бугуннинг шоирлари ижодига баҳо берар экан, Чўлпон, Миртемир, Асқад Мухтор шеъриятини эсга олади ва шеъриятда ҳамиша ижодий мусобақа ва ғойибона мушоҳада кечишини таъкидлайди. "Ўзгараётган дунёда шеър сўзи" мақоласида мунаққиднинг жўшқин ҳис-туйғулари, эҳтиросга йўғрилган мушоҳадалари акс этади. Жўшқин ҳис-туйғулар, қайноқ эҳтиослар эса юракнинг тубидан отилиб чиқади. Иброҳим Ғафуровнинг шеъриятимиз тўғрисидаги мулоҳазаларида худди шу манзара кўринади.

Муҳаммаджон Холбековнинг "Шарқ юлдузи", "Тафаккур", "Ёшлик", "Гулистон" журналларининг 2011 йилги сонларида эълон қилинган мақолалари санъат ва адабиётдаги нореалистик оқимларнинг умумий номини билдирувчи, ҳаётни бадиий акс эттиришда реализмга хос анъанани инкор этувчи, воқелик моҳиятини сабаб – натижа тартиби асосида тушунтириб бўлмаслигини тарғиб қилувчи, ижодда субъективлик аҳамиятини устун деб билувчи, мантиқий билишдан интуитив-ҳиссий билишни юқори қўювчи, инсоннинг ички оламида кечадиган тийиқсиз эврилишларга алоҳида эътибор қаратувчи санъат ва адабиёт модернизм ҳодисаси тўғрисидаги тасаввуримизни анча кенгайтиради.

"XXI аср насри манзаралари" Йўлдош Солижоновнинг адабиётшунос, мунаққид сифатидаги кўп йиллик фаолияти давомида матбуотда чиққан энг катта мақоласи саналади. Ҳажман салмоқдор ушбу мақолада куйинчак мунаққид мустақиллик даври ўзбек насри тўғрисида фикр билдириш асносида, адабиётдаги янгиланиш ва ижтимоий-маънавий ҳаётдаги ўзгаришлар тўғрисида ўзи англаган ҳақиқатларни эҳтирос билан баён этади. У Зулфия Қуролбой қизининг "Армон асираси", "Машаққатлар гирдоби", Саломат Вафонинг "Оворанинг кўрган-кечирганлари", Ҳабиб Темировнинг "Қасос ва муҳаббат", "Қора қаср асираси", "Макрми ё муҳаббат?", Нормурод Норқобиловнинг "Дашту далаларда", Туроб Мақсуднинг "Илинж", Жаббор Халилнинг "Довул", "Тақдир бекатлари" асарларини атрофлича таҳлил қилади. Уларнинг ижобий жиҳатларини алоҳида қайд қилгани ҳолда, мавжуд камчиликларини асослаб кўрсатади.

Шуҳрат Ризаев "Яхши "ёмон" одам ёхуд янгиланган реализм" мақоласи ("Шарқ юлдузи" журнали, 2011 йил, 3 сон)да ёзувчи Хуршид Дўстмуҳаммад асарларига хос хусусиятларни аниқ ёритиб беради. Адибнинг асарлари тўғрисида сўз юритар экан, уларда ҳаёт ҳодисаларини ва инсон образини акс эттиришда қандай йўл тутилгани, янгиланган реализм қандай ҳақиқатларни англашга имкон беришига эътибор қаратади. Адиб "Паноҳ", "Куза..." қиссаларида "онг оқими" ифода усулини қўллаш асносида, ўқувчини фаол фикрлашга даъват этишини таъкидлайди. Муаллиф "Куза..." қиссасида "онг оқими" тажрибаларидан (мозаика, монтаж усули, ички монолог)дан фаол фойдаланганини қайд этади ҳамда: "Хуршид Дўстмуҳаммад ижодини фақат ҳиссий ёндашувнинг ўзи билан таҳлил этиб, тушунтириб бўлмайди. Унда ҳиссиёт тўлқинлари ҳамиша тафаккур қирғоқларига урилиб туради. Бири иккинчисини ўзаро тақозо этади", деган хулосага келади.

Шуҳрат Ризаев ижодкор маҳорати тўғрисидаги кузатишларини унинг аввалги асарлари билан кейинги асарини қиёслаш асосида баён этгани каби Абдуғафур Расулов ҳам "Толерантлик ва руҳий покланиш" мақоласи ("Шарқ юлдузи" журнали, 2011 йил, 3 сон)да шу йўлдан боради. У Ғафур Ғулом, Миртемир, Шукруллонинг энг сара асарлари билан уларнинг ҳаёти ўртасидаги боғлиқликка эътибор қаратади. Устоз ижодкорлар ҳам, шеъриятимизнинг бугунги етакчи вакиллари ҳам ўз замони тўғрисида дард, изтироб билан мулоҳаза юритганини таъкидлаб, ижодкор қалби ҳамиша зиддиятларга тўла бўлиши, у ўз изтиробларини изҳор этиш орқали бошқаларнинг дилини поклашга, уларда ҳаётга умид, одамларга, бутун борлиққа муҳаббат уйғотишга интилишини, адабиёт ва санъат худди шу хусусияти билан умрбоқий эканини қайд этади.

Маҳкам Маҳмудов ва Шодмон Отабоевнинг "Жаҳон адабиёти" журналидаги суҳбати (2011 йил, 12 сон)да асарларнинг аҳамиятини белгилашдаги бадиийлик мезонлари тўғрисида сўз юритилади. Унда бутун ер юзида глобал равишда моддий бой-

www.ziyouz.com kutubxonasi

лик, фойда кетидан қувиш авжланиши натижасида, кишиларнинг бадиий-эстетик диди пасайиб кетаётгани, оқибатда, маънавий таназзул чуқурлашаётгани, ҳамма нарсани пул билан ўлчашга асосланган бозор иқтисодиёти “маҳаллий классик”ларга кенг йўл очиб бераётгани, “адабиётда воқеа бўладиган, жиддий асарлар кам ёзилаётган вақтда бозорга мослашиб, дедектив ёзадиганлар кўпайиб кетгани” тўғрисида ташвиш билдирилади. Маҳкам Маҳмудов бадиийлик мезонларига муносабат ўзгаргани тўғрисида фикр билдирар экан, асар ғоясини баҳолашда Белинский унда тасвирланган воқеага жиддий эътибор бергани, асар мазмунидан келиб чиқиб, ундаги ҳар бир воқеа ва характер хусусида алоҳида тўхталгани, воқеаларни ҳаёт билан таққослаб, бу хусусда жиддий фикр билдиргани, мунаққид ўзининг бу тарздаги ёндашуви билан адабий жараёнга жуда кучли таъсир кўрсатганини эслатади. Шодмон Отабоев ҳам, Маҳкам Маҳмудов ҳам кейинги йилларда эълон қилинган янги асарларнинг аксарияти ғоят жўнлиги, аввалги асарлар улардан бадиий жозибадор эканлигини таъкидлашади.

Раъно Иброҳимованинг “Ўзбек фантастикаси манзаралари” мақоласи (“Шарқ юлдузи” журнали, 2011 йил, 6 сон)да ҳам фантастика йўналишидаги мумтоз асарлар тўғрисида тўхталинади. Раъно Иброҳимованинг фантастикашунос сифатидаги зукколигини намоён этадиган ушбу мақолада гап фантастика жанрми, турми, йўналишми ёки мавзуми деган муаммодан бошланади. Турли баҳс-мунозараларга сабаб бўлиб келаётган ушбу муаммога аниқлик киритиш мақсадида таниқли мутахассисларнинг фикри келтирилади. Шундан сўнг, ҳозирги ўзбек фантастикасига хос хусусиятлар таърифига ўтилади ва фантастика “илмий фантастика”, “мифологик фантастика”, “утопик фантастика”, “саргузашт фантастика” сингари кўринишларга ажратилса-да, “барча бадиий адабиёт намуналари сингари ўз олдига воқеликни бадиий образларда акс эттиришни мақсад қилиб қўяди”, деб таъкидланади. Мақолада Тоҳир Малик, Маҳкам Маҳмудовнинг фантастика йўналишидаги асарлари эслатилиб, Ҳожиакбар Шайхов асарларининг ўзига хос жиҳатларига кенгроқ тўхталинади. Ушбу асарлар бундан йигирма-ўттиз йил аввал битилгани эътиборга олинса, мазкур мақола учун ҳам янги асарлар эмас, мумтоз асарлар асосий объект эканлиги аёнлашади. Умуман, ўтган йилда матбуотда эълон қилинган мақолалар асосида шундай хулосага келиш мумкинки, ҳозирги адабиётшунослик ва адабий танқидчиликнинг диққат марказида янги асарлар эмас, мумтоз асарлар турибди. Бу биринчидан, адабиётшунослик ва адабий танқидчиликнинг янги асарлардан унчалик қаноатланмаётгани, иккинчидан, уларни мушоҳада этиб улгуролмаётганига бориб тақалади. Бунинг эса ўзига хос сабаблари, муҳим асослари бор. Янги роман, қисса, ҳикоя, достон, шеър тўпламларидан қаноатланмаслик негизида, аввало, адабиётшунослик, адабий танқидчиликнинг янги асарларнинг аввалги асарлардан кўра бадиий баркамол бўлишини исташи туради. Ана шу эзгу – истак амалиётда кўринмаса, янги асарлар ўз-ўзидан эътибордан четда қолади. Иккинчидан эса, ҳаёт ҳодисалари ва инсон образини акс эттиришда реалистик ҳамда нореалистик тасвир йўлларини уйғунлаштиришга интилиш йўлидаги турли тажрибаларни тушуниш, қабул қилиш, мушоҳада этиш ҳеч қачон осон кечмайди. Шунинг учун адабиётшунослик ва адабий танқидчиликда ҳамиша мумтоз асарлар бадиий-эстетик мезон бўлиб туради. Шундай бўлиши ҳам табиий. У адабий жараёнлардаги ўзгаришларга, янги асарларга доим ана шу ўлчов асосида ёндашади. Чунки бу адабиёт илми учун мангу мезон саналади.

www.ziyouz.com kutubxonasi